

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

О.М. Сатимбаев

Ўзбекистон Республикаси ИИВ масъул ходими, подполковник

Аннотация: *Мазкур мақолада hozirgi kunda mamalakatimizda axborot texnologiyalarini rivojlanishi buyicha amalga oshirilayotgan islohotlar amalga oshirilayotgan ishlar e'ritilgan, Internet bilan bog'liq xavfsizlikni ta'minlash buyicha xalqaro Symantec Security tashkilotining ma'lumotlari e'ritilgan, Kiberjinoyatchilik tushunchasi, pайdo bulishi keng e'ritilgan, Internet hakerligi tushunchasi, pайdo bulishi keng e'ritilgan, Xalqaro internet xavfsizligi tushunchasi va shu yunalişda mamalakimiz qonunchiligida amalga oshirilayotgan islohotlar masalasiga ʻztiyor qaratilgan.*

Таянч сўзлар: *axborot texnologiyalari, Symantec Security tashkiloti faoliyati, Kiberjinoyatchilik, Internet hakerligi, Xalqaro internet xavfsizligi, "Galactic Network" kompyuter tarmoqi, Chuvallan epidemiyasi.*

Аннотация: *В этой статье освещается работа, проводимая над реформами по развитию информационных технологий в Мамалакатымизе, освещается информация международной организации безопасности Symantec по обеспечению безопасности, связанной с Интернетом, освещается концепция киберпреступности, широко освещается появление, концепция интернет-взлома, широко освещается появление, концепция международной интернет-безопасности и в этом направлении фокусируется на вопросе реформ, проводимых в законодательстве мамалакамыза.*

Ключевые слова: *информационные технологии, деятельность организации Symantec Security, киберпреступность, взлом Интернета, международная интернет-безопасность, компьютерная сеть Galactic Network, эпидемия червей.*

Annotation: *In this article, we will talk about technologies related to the development of technologies and conduct expert examination conducted within the framework of the program on combating terrorism and extremism, as well as conducting trainings on combating terrorism and extremism, conducting training on combating terrorism and extremism, as well as in the fight against terrorism, extremism, extremism, extremism, terrorism, terrorism, terrorism, extremism, extremism, extremism, extremism, extremism, terrorism, terrorism, terrorism, extremism, extremism, extremism, extremism, extremism, a criminal case has been opened on this fact, an investigation is underway.*

Key words: *information technology, Symantec Security Organization activities, cybercrime, Internet hacking, international internet security, Galactic Network computer network, Worm Epidemic*

Хозирги кунда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ва кишилик жамиятининг барча соҳаларида фуқаролар томонидан Интернетдан кенг фойдаланиш кундалик фаолиятнинг бир қисмини ташкил этиб, хизмат курсатиш, илм-фан, таълим, электрон тижорат, шунингдек замонавий инсоннинг фикрлаш тарзига ўзининг ижобий таъсири билан кириб келди.

2021 йил 9 сентябрь куни “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси”нинг Х-қурултойида нутқ сўзлаган Шавкат Мирзиёев келгуси беш йилда ҳалқаро магистрал интернет тезлиги ва туманлараро тармоқлар тезлиги оширилишини айтиб ўтиб «Хар бир хонадон ва ижтимоий муассаса мақбул нархда юқори тезликдаги интернетга уланади, магистрал автомобиль йўллари 100 фоиз мобил алоқа ва интернет билан қамраб олинади¹», -деб таъкидлаб ўтган.

Бинобарин, сўнги йилларда мамлакатимизда “рақамли иқтисодиёт”ни ривожлантириш ва телекоммуникация соҳаси тараққиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, аҳолини сифатли телекоммуникация ва интернет хизматлари билан таъминлаш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлом интернет-муҳитига эга ахборотлашган жамиятни ривожлантириш, миллий сайтларни қупайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Интернетда миллий веб-сайтларни яратишга қаратилган курик-танловларнинг ўтказилаётгани, веб-ихтирочиларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, соғлом ахборот муҳитини таркиб топтиришга йўналтирилган турли тадбирлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Шу билан бир қаторда, шахсларни интернет ҳамлаларидан ҳимоялаш, ахборот олиш ва тарқатиш маданиятини тарғиб қилиш, тармоқ хавфсизлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда интернет тармоқларидан фойдаланиш қоидалари, веб-макондаги хавф ва фирибгарликларга қарши курашиш усуллари тушунтирилмоқда.

Ушбу ўзгаришлар ҳаёт сифатини яхшилаш билан бир қаторда, жиноятчиликнинг янги шакли “Интернет тармоқлари орқали содир этилаётган жиноятлар”ни юзага келишига замин яратди ҳамда ҳаётимизга “кибержиноятчилик” тушунчасини олиб кирди.

Интернет билан боғлиқ хавфсизликни таъминлаш буйича ҳалқаро Symantec Security ташкилотининг маълумотларига қура, хозирда хар сонияда дунёдаги 12 нафар инсондан биттаси интернет хужум қурбони бўлмоқда ва хар йили 556 млн. дан купроқ киберхужум уюштирилади ва бунда жабрланувчилар қурадиган зарар миқдори 100 млрд. АКШ долларидан купроқдир .

Кибержиноятчилик тушунчасининг пайдо булиши ўтган асрнинг

60 йилларида Интернет тармоғининг яратилиши билан боғлиқ. 1962 йилда профессор Жон Ликлайдер ўзининг “Galactic Network” компьютер тармоғи орқали Интернет тармоғини яратиш концепциясига асос солган. Шундай қилиб Интернет тармоғи яратилиши билан биринчи Интернет жинойтчиси вужудга келган ва у Жон Драпер (John Draper) исмли шахс бўлиб, Жон Драпер 1970 йилларда шаҳарлараро ва ҳалқаро қунгироқлар орқали телефон тармоқларини бўзиш билан шуғулланиши оқибатида дастлабки кибержинойтлар содир этилган. СССРда ахборот технологиялари соҳасидаги илк юқори даражадаги жинойт 1979 йилда Вильнюс шаҳрида қайд этилган ва бу ҳолат уша пайтда СССРга 80 минг рубль зарар етказилишига сабабчи бўлган бўлиб, бу зарар миқдори ўша пайтда машхур автомашина бўлган “Volga” русўмидаги 8 та автомашинанинг пулига тенг эди ва шу сабабли мазкур жинойтлар Интерпол ҳалқаро ташкилоти томонидан дастлабки руйхатга олинган кибержинойт сифатида эътироф этилган.

Белоруссия Республикасида эса, юқори технологиялар орқали содир этилган илк жинойт 1998 йил 20 ноябрь куни руйхатга олинган бўлиб, кибержинойтчилар Беларуссиянинг энг йирик метрополитен провайдери мижозлари орасидан Интернет фойдаланувчилари тармоқ маълумотларига рухсатсиз киришни амалга оширишган.

Интернет тармоғини ривож топиши натижасида “Интернет хаккерлиги” деган ахборот технологиялари соҳасида алоҳида тармоқ вужудга келган. Илк компьютер хаккерлари 1960 йилларда Массачусетс технология институтида пайдо бўлган, дастлабки Интернет хаккерлиги эса, ўзларини “414 гуруҳи” (банда-414) деб номланган вояга етмаган ўспиринлар томонидан содир этилган бўлиб, улар 9 кун ичида АКШдаги Лос-Аламос Давлат ядро қуролини ўрганиш лабораториясидаги 60 дан ортиқ шахсий компьютерларини ишдан чиқаришган. 1983 йилда эса, дастлабки кибертеррористлар гуруҳи ушланган. Шу орқали 1983 йилда “Военные игры” (“WarGames”) номли дастлабки хаккерлар туғрисидаги фильм яратилган. 1988 йили Америка компьютер ускуналари ассоциацияси 30 ноябрни “Ҳалқаро ахборотни ҳимоя қилиш куни” деб эълон қилди. Бу кунни эълон қилишдан асосий мақсад барчага компьютер ахборотларини ҳимоя қилиш зарурлиги, шунингдек, дастурий воситалар ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчилар эътиборини хавфсизлик масалаларига қаратишдан иборат эди. Таъкидлаш жоиз, бежиз ушбу кунга айнан 1988 йилда асос солинган эмас. Негаки, шу йили “Моррис” исмини олган “Чувалчанг эпидемияси” илк бор оммавий тарзда тарқалган, яъни 1988 йилда Червь Моррис томонидан дастлабки зарарли вирус яратилган, бунинг оқибатида АҚШ Ҳукумати ва университетларидаги 6000га яқин компьютерлар ушбу зарарли вирус қурбони бўлишган. Уша воқеадан сўнг соҳа мутахассислари ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жиддий ёндашиш зарурлиги ҳақида уйлай бошладилар. Уша кундан эътиборан

hozirga qadar kompyuter uskunalari assotsiatsiyasi tashabbusi bilan butun dunёda axborotni muhofaza qilishga doir turli qiziqarli tadbiirlar hamda xalqaro anjumanlar utkazib kelinadi. Shu bilan birga, tadbiirlarda himoyalanmagan uskunalar kelтириб чиқараётган зарарлар хажми хақида axborot beriladi.

Rossiyada 1997 yilda bu kabi shunday jinoyatlardan 7 tasi, 1999 yilda 294 tasi, 2000 yilda 800 tasi, 2003 yilda 1602 tasi, 2004 yilda 8739 tasi,

2011 yilda 5396 tasi, 2012 yilda 5725 tasi, 2013 yilda 6423 tasi, 2014 yilda 4403 tasi, 2015 yilda 5329 tasi, 2016 yilda 3762 tasi, 2017 yil yanvar-iyun oylarida 3994 tasi, 2018 yil yanvar-iyun oylarida 3207 tasi, 2019 yilda 180 153 tasi foш etilgan.

Jahonda kibernetika rivoj topishi bilan uning tarmoqlari ham rivoj topgan. Ekspertlarning fikricha, fiшинг orqali maълumotlarni uғirlash, maxfiy maқсадga эга mobil va olovlar orqali elektron qurilmalarga кириб бориш va aloқанинг himoya qilinmagan kanallarini tomosha qilish orqali bugun kupchilik internet foьдаланувчилари kibernetika tarmoqlarining qurboniga айланмоқда.

Bu borada rivojlangan mamakatlar qonunchiligida mazkur qilmishga nisbatan javobgarlik belgilangan normalarni taхлил qilish usbu jinoyatni muфassal tuшуниш, javobgarlik belgilangan normalar va qonunni qullash amaliётini takomillashtirishga imkon beradi.

Rossiya jinoyat kodeksining 1593-moddasiga asosan, elektron tuлов vositalaridan foьдалangan fiрибгарlik jinoyatini sodir etganlik, Испания jinoyat kodeksining 248-moddasida axborotni manipulyatsiya qilish, kompyuter dasturlari orqali kredit ёки дебет kartalari ёхуд чекларга nisbatan fiрибгарlik jinoyatini amalga oshirganlik uchun, 255-moddasiga asosan, telekommunikatsiya tarmoqlaridan foьдалangan holda, shu jumladan aldashga ixtisoslashtirilgan mexanizmlardan foьдалangan holda, telekommunikatsiya vositalarining kursatkichlarini buзиб kursatgan holda ёки бошқа noқonunий йуллар orqali uzга шахsning mulkini эгаллаб олганlik, 256-moddasiga asosan эса, терминал telekommunikatsiya vositalarini эгаллаб олиш orqali uning mulkdoriga zarar etkazganlik, Туркия jinoyat kodeksining 504-moddasi

3-bandida jinoyat qurоli sifatida почта, телеграф, телефон aloқasidan foьдаланиш orqali, Швейцария jinoyat kodeksining 147-moddasida maълumotlarga ishlov бериш orqali fiрибгарlik jinoyati, яъни noқonunий ravishda maълumotlarni uzlashtirib ёки usbu maълumotlarga uzgartirish киритиш orqali шахslar mulkiga zarar keltirganlik uchun javobgarlik nazarda tutilgan.

Bulardan tashqari, Oзorbойjon Jinoyat kodeksining 177.2.3-1-moddasiga asosan elektron saqlash vositalaridan ёки axborot

технологияларидан фойдаланган ҳолда, Сан-Марино жиноят кодексининг 194-моддасининг учинчи қисми 2-бандига асосан, фирибгарлик воситаларидан фойдаланган ҳолда, Хитой жиноят кодексининг 265-моддасига асосан, бошқа одамларнинг алоқа каналларини ноқонуний егаллаб олиш, бировнинг электрон почта манзилига ўхшаш манзил орқали, ускуналар ва бошқа қурилмалардан фойда олиш учун фойдаланиш қасддан фойдаланиш орқали ўзга шахснинг мулкни ўғрилаш йўли билан, Франция жиноят кодексининг 226-15-моддасида телекоммуникация воситалари ёрдамида ва Болгария жиноят кодексининг 195-моддасининг биринчи қисми 4-бандида махсус воситалар орқали ўғрилик қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгилангидан ҳам билиш мумкинки, ривожланган давлатларда бу қилмиш жуда қаттиқ қораланади ва ушбу жиноят билан курашиш чораларини куриб боришади.

Бизни мамлакатимизда ҳозирги кунда банк пластик карталаридаги пулларни номаълум шахслар томонидан ғайриқонуний равишда қўлга киритишда ифодаланган интернет фирибгарлик ва интернет ўғрилик жиноятлари асосий мавзулардан бирига айланган булиб жамиятга жуда катта хавф келтириб чиқариб электрон тижорат сайтлари ва телеграм каналларида маҳсулотларни онлайн олди-сотди муносабатлари орқали, ижтимоий тармоқларда турли хилдаги ютуқли уйинлар, акциялар ва электрон савдоларни амалга ошириш (ўтказилиши) орқали, хайрия мақсадлари ниқоби остида интернет ижтимоий тармоқ саҳифаларида очилган турли кўринишдаги сохта беъморлар учун фуқароларнинг банк пластик карталаридан ўз ҳисоб рақамларига пул ўтказиш орқали, фуқароларнинг банк пластик карта рақами реквизитлари, амал қилиш муддати ва бошқа шахсий маълумотларини яширин йўллар билан қўлга киритиш орқали содир этилмоқда.

Жумладан, Андижон шаҳрида яшовчи М.К. ўзганинг мулкни алдов йўли билан қўлга киритишни мақсад қилиб, 2020 йилнинг ноябрь ойида “Telegram” ижтимоий тармоқда “MY5” номида ютуқли канал очиб, тармоқда фойдаланувчиларни қизиқтириш учун “каналга 100 та одам кўшганга 50.000 сўм, 25 та одам кўшганга 250.000 сўм, 10 та одам кўшганга -100.000 сўм” деб алдов сўзларини ёзиб, алданиб қолиб ушбу сохта каналга аъзо бўлганларга “сизга пул ютуғи чиқди, пластик карта рақамингизни расмга тушириб ташлаб юборинг, кейин сизга 4 рақамли махфий код боради, айтиб юборсангиз пул ҳисоб картангизга ўтказилади”- деб алдов йўли билан фуқароларни пластик карта рақам ва ушбу пластик картадан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи махфий кодни қўлга киритиб, “UzPAY”, “Сilск” пул ўтказмалари хизмати иловалари орқали электрон ҳамён очиб, банк пластик картадаги пул маблағларини ўзининг ҳисоб рақамига ўтказиш билан шуғулланиб беш нафар фуқарони 28.млн сўм маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлиги фош этилган¹.

Юқоридагилардан куришимиз мумкинки, жабрланувчи банк пластик картасида булган пул маблағларининг купайиши учун ўз хоҳишига асосан

карта махсус кодларини фирибгарга ишониб топширади ва фирибгар эса ўз навбатида интернет тармоқларидан фойдаланган ҳолда унга ишониб топширилган код орқали жабрланувчига тегишли бўлган банк пластик картасидаги маблағарни бемалол тасарруф этиш имкониятини қулга киритиб ўзганинг мулкига ёки мулкый ҳуқуқларига ғайриқонуний тарзда эга булади. Интернет фирибгарлик ва интернет ўғриликнинг предмети ҳам ўғрилик ва фирибгарлик предмети каби ўзга шахснинг мулки ёки мулкый ҳуқуқларидир.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “в” банди ва 169-моддаси

3-қисми “б” бандларида назарда тутилган жиноятни воситаси бўлган компьютер тизимлари ёки компьютер техникаси тушунчаси бугунги кунда ўзининг техник имкониятлари туфайли тулиқ интернет жиноятларни қамраб ололмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “в” бандида компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик жинояти содир этилса базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “б” бандида компьютер тизимига рухсатсиз кириб ўғрилик жинояти содир этилса беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Амалиётда маълум бўлишича бундай турдаги жиноятларни содир этаётган шахсларнинг купчилиги компьютер техникаси воситаларидан фойдаланмасдан туриб ўзларига тегишли бўлган уяли алоқа воситаларидан интернет тармоқларида мобил иловалар орқали интернет ўғрилик ва интернет фирибгарлик жиноятларини содир этишмоқда.

Юқоридагиларга асосан, сохадаги технологиялар орқали содир этиладиган қилмишларни аниқлаш, уларни тўғри бартараф этиш, бу турдаги жиноятларни тўғри квалификация қилиш, ягона қонунчилик амалиётидан фойдаланиш, интернет ва телекоммуникация тармоғидан ташқари телекоммуникация воситаларидан фойдаланиб, бошқа ахбороткоммуникация технологиялари орқали ҳам интернет фирибгарлик ва интернет ўғрилик содир этиш мумкинлигини, ушбу турдаги жиноятлар виртуал мухитда содир этилишини, шунингдек, юқоридаги қонунлар орқали сохани янада такомиллашуви белгилаш лозимлигини кўрсатади. Шу сабабли қўйидагиларни таклиф-тавсиялар сифатида таъкидлаб ўтиш мумкин. Жумладан,

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси қисми “в” бандида курсатилган “компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса” жумласидан олдин “телекоммуникациялар тармоқларидан, Интернет ахборот тармоғидан ва” жумласи билан тулдириш лозим;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекснинг 169-моддаси қисми “б” бандида курсатилган “компьютер тизимига рухсатсиз кириб” жумласидан олдин “телекоммуникациялар тармоқларидан, Интернет жауон ахборот тармоғидан фойдаланиб ва” жумласи билан киритиш мумкин.

Умуман олганда, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида халқ фаровонлиги ётар экан, халқ фаровонлигини таъминлаш, аҳолининг давлат органларига бўлган ишончини янада ошириш, олиб борилаётган ислохотларни янада такомиллаштириш интернет орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш буйича ислохотларни янги босқичга кўтариш мақсадга мувофиқлигини даврни ўзи талаб қилмоқда.